

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил махсус сон**



асосининг бир қисмига айлантириш зарур. Интерактив методлар ёрдамида ўқувчиларда ўқув топшириқлари ва масалаларни ечишга тадқиқий ёндашиш, мустақил тарада ўрганиш маҳоратини шакллантиришни тарбиялайди.

Шундай қилиб, ақлий ҳаракатлар ўқувчилар билим тизимлари ва ақлий ҳамда амалий фаолиятларида самарали ўзлаштиришга ёрдам беради, ўзлаштирган янги билимларидан келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олишни, таълим муаммоларини еча билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ва уни ривожлантириш, таълим жараёнининг вазифаларини таҳлил қилиш, танқидий фикрлаш имкониятларини ошиб беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш **КОНЦЕПЦИЯСИ**. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармонига 1-ИЛЮВА
2. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун «Тарбия» фани **КОНЦЕПЦИЯСИ**. ВазирларМаҳкамасининг 2020 йил 6 июндаги 422-сон қарорига 3-ИЛЮВА
3. Ғозиев Э. Психология. (Ёш даврлари психологияси). – Т.: Ўқитувчи, 1994 й. -224-б.
4. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида. –Т.: Ўқитувчи, 1992 й.
5. Хайдаров Ф.И., Халимова Н.И. Умумий психология. ТДПУ-2010 й.
6. Ривожланиш психологияси. Педагогик психология. Дарслик /З.Т.Нишонова ва бошқалар. – Т.: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati». 2018. – 291-б.
7. Камолдинов М, Вахобжонов Б. Инновацион педагогик технология асослари. "Тошкент" "Талкин" 2010 й. 128-бет.

#### **ТАЛАБАЛАРДА ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ БЎЙИЧА БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ**

З.Т.Қорабоева

Мактабгача таълим методикаси  
кафедраси катта ўқитувчиси.

*Аннотация:* мақолада мактабгача таълим йўналиши талабаларида таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш мазмуни, шакллари, ва уларга замонавий ёндашув масалалари хусусида сўз юритилади.

*Таянч нушунчалар:* таълим менежменти; малака талаблари; матруза; семинар; амалий машғулотлар; мустақил таълим; лойиҳалаш босқичлари.

#### **СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД К ФОРМИРОВАНИЮ ЗНАНИЙ И НАВЫКОВ ПО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМУ МЕНЕДЖМЕНТУ У СТУДЕНТОВ.**

З.Т. Қорабоева

Старший преподаватель кафедры  
методики дошкольного образования.



**Аннотация:** В статье рассматриваются содержание, формы и современные подходы к формированию знаний и умений в управлении образованием у учащихся дошкольного образования.

**Основные понятия:** управление образованием; квалификационные требования; отчет; семинар; практическая подготовка; самостоятельное образование; этапы проектирования.

## **AMODERN APPROACH TO THE FORMATION OF KNOWLEDGE AND SKILLS IN EDUCATIONAL MANAGEMENT IN STUDENTS**

Z.T. Koraboyeva

Senior Lecturer at the Department  
of Preschool Education Methods

**Abstract:** The article examines the content, forms and modern approaches to the formation of knowledge and skills in the management of education among students of preschool education.

**Basic concepts:** education management; qualification requirements; report; seminar; practical training; independent education; stages of design.

Мамалякамизда узлуксиз таълимнинг пойдевори ҳисобланган мактабгача таълимни тубдан такомиллаштириш, болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш самарадорлигини ошириш, мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламдаги чора-тадбирлар мазкур соҳанинг малакали педагог ва бошқарув кадрларига ўзига хос талабларни қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш [1] Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилади ва бу борада муайян ишлар амалга оширилади.

Маълумки, замонавий мактабгача таълим ташкилотининг раҳбари изланувчан, ташаббускор, мақсад сари интилувчан, жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир, ирқдали шахс бўлиши зарур. Шунингдек, бошқарувчи сифатида зиммасидаги вазифаларни самарали бажарилишини таъминлай олиш, жамоани ҳам шунга сафарбар этиши, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиб, мақбул ечимини топиши, муаммоли вазиятларни донсолик билан бартараф этиши, ўз ишига танқидий қараш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Мактабгача таълим ташкилотини бошқариш мураккаб ва кўр қиррали жараён эканлигини назарда тутадиган бўлсак, бу масалага мактабгача таълим соҳасига кадрлар тайёрлаш тизими ҳисобланган олий таълим муассасаларидаги педагогик жараённинг ўзида жиддий эътибор бериш ва бўлажак мутахассисларни таълим менежментига доир билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллашларини таъминлаш лозим.

Таълим менежменти – бу илмий асосда ташкил этилган, ўзига хос поғонавийликка асосланган бошқарув бўлиб, таълим тизими инштирокчилари бўлган раҳбарлар, мутахассислари ва ходимлар фаолиятларини ташкил этиш,



мувофиқлаштириш, назорат қилиш ҳамда самарали бошқарувни таъминлашни фойдаловчи тушунча ҳисобланади.

Таълим менежменти алоҳида фан сифатида таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти, бошқариш масъулияти ва маданияти, бошқарув функциялари ва методлари, бошқаришнинг қонун-қоидалари ва тамойиллари, раҳбарнинг функционал вазифалари, таълим муассасаларини бошқаришда ахборот ва коммуникация, раҳбарларнинг инновацион фаолиятлари, бошқарувда таарбиявий муносабатлар ва раҳбарлик услублари, таълим муассасасининг ташкилий тузилиши, стратегик бошқарув ва режалаштириш, раҳбарнинг иш вақти ва ундан фойдаланиш, персонални бошқариш ҳамда таълим муассасаларини бошқаришда мотивлаштириш ва мотивлаштириш назаарияларини тадқиқ этади[4].

Мактабгача таълим бакалаврият таълим йўналишининг «Малака талаблари»да белгиланган умумий ва касбий компетенцияларни мукаммал эгаллаш битирувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Бўлажак раҳбар кадрларни тайёрлаш бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режасига киритилган ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида ҳамда малакавий амалиётлар даврида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Малака талабларида битирувчилар педагогик фаолиятда таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш[3] қобилиятларига эга бўлишлари зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Олий таълим муассасаларининг «Мактабгача таълим» йўналишларида талабалар таълим менежментига оид билим, кўникма ва малакаларни «Мактабгача таълимда бошқарув ва менежмент» фанини ўқитиш (маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва мустақил таълим) жараёнида эгаллаб борадилар.

Талабаларда таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёни ўқув дастури мазмунининг мукаммаллиги, ўқув адабиётларининг замонавий талаблар асосида яратилганлиги, машғулотларни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ижобий муносабатларнинг қарор топиши каби омилларга боғлиқ. Шунингдек, ўқитувчи томонидан таълим жараёнини олдидан лойиҳалаш, талабалар ўзлаштирадиган назарий ва амалий билимлар, кўникмалар ва малакалар даржасини ташхислаш, ҳамда ўқув мақсадларининг муваффақиятли натижаланишини баҳорат қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маъруза машғулотларига замонавий ёндашув асосида таълим менежментига оид билим, кўникма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш имконини берувчи инновацион технологиялардан фойдаланиш зарур. Бунда таълим менежменти ва мактабгача таълим менежменти ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва узвийлик тамойилларига мувофиқ келувчи маъруза дарсларини ташкил этиш мумкин. Куйида мақсади ва ташкил этилиши нуқтаи назаридан фарқланувчи маъруза шакллариغا тўхталиб ўтамиз.

Маъруза шакли	Маърузанинг ўзига хос хусусиятлари
Кериш маърузаси	Ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги амалий фаолиятидаги аҳамияти тўғрисида дастлабки тасавурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдидagi мустақил иш фаолиятининг йўллари ва ташкиллантирилиши, ҳисобот бериш вақти



Ахборотли маъруза	ва баҳолаш тизими билан таништириш. Ўқув материали тушунтириш-қўрсатиш ва баён этиш методидан фойдаланган ҳолда талабаларга етказиш.
Муаммоли маъруза	Ўқув материали муаммоли саволлар, вазифалар, вазиятларни қўллаш билан баён этиш. Бунда битиш жараёни илмий изланиш, суҳбат, таҳлил, турли фикрларни таққослаш орқали боради.
Қўғазмали маъруза	Техник воситалар, қўриш-эшитиш техник воситалари ёрдамида, намойиш этиладиган материалларни қисқа шарҳлаш билан ўқув материаллини қўғазмали баён этиш.
Бинар маъруза (маъруза-диалог)	Икки маърузачиларни, икки йўналиш вакиллари, олим ва амалиётчиларни диалог шаклида ўқув материаллини баён этиш.
Анжуман маъруза	Ўқув дастури доирасида илмий-амалий машғулоти сифатида, аввалдан белгиланган муаммо бўйича маъруза ва сўзга чиқишларни эшитиш. Машғулоти якунида ўқитувчининг маълумотларни тўлдириши ва аниқлик қилиши, асосий хулосаларни фойдаланиш қўзда тутилади.

**1-жадвал. Маъруза шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.**

“Мақтабгача таълимда бошқарув ва менежмент” фани дастурида тавсия этилган семинар машғулотларига ҳам нобанавий тарзда ёндашиш зарур. Чунки семинар машғулотлари назарий билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Семинар машғулотлари ҳам талабаларни мавзу қўрасидан тавсия этиладиган ўқув адабиётларидаги материалларни ўзлаштириш ва муҳокама қилишга йўналтириш нуқтаи назаридан турли шаклларда ўтказилиши мумкин.

Маъруза ва рефератлар муҳокамаси	Ўқув анжуман	Суҳбат- семинар
Аудиториядан ташқари қўшимча адабиётлар, ҳужжатлар билан мустақил иш натижалари муҳокамасини ўтказилиши.	Семинарда муҳокама этиладиган масалалар қўрасидан бир неча гуруҳлар ўртасида ўтказилиши	Режа бўйича қисқа фикр билдириш ва ўқитувчи томонидан якуни ясаш билан кенг қўламли суҳбат шаклида олиб борилиши

**2-жадвал. Семинар машғулотлари шакллари.**

Амалий машғулотлар талабаларнинг таълим менежменти бўйича эгаллаган назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш муайян кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш мақсадида ўқув хоналарида, мактабгача таълим ташкилотларида, ўқув-тажриба майдонларида ўтказилиши мумкин.


Олий таълим тизимида талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш [2] таълим жараёнига янги ёндашувни талаб қилмоқда.

Шу боис, мустақил таълимни ташкил этишда ўқитувчининг роли талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи кўникма ва малакаларни эгаллаш мақсади билан боғлиқликда намоён бўлса, талабанинг роли эса профессор-ўқитувчи раҳбарлигида билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни



ҳал этишнинг оптимал йўлини излаб топишга қобилиятли ижодкор шахс бўлишда акс этади.

Ўқорида қайд этилган маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва мустақил таълим топшириқларини ташкил этишга замонавий ёндашиш учун ўқитувчи ўқув жараёнини лойиҳалаштириш босқичларига эътиборни қаратиши зарур.



#### 2-жадвал. Ўқув жараёнини ташкил этиш босқичлари

Муаллифлар Ў.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан таклиф этилган ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичларида амалга оширадиган вазифалар ўртасида муайян изчиллик мавжуд бўлиб, у таълим жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради[5].

Биринчи босқичда мавзуга оид манбаларни ўрганиш, материалларни ғоявий жиҳатдан таҳлим қилиш кўзда тутилса, иккинчи босқичда мавзу кўрасидан ўқув мақсадларини аниқлаш ҳамда ушбу мақсадларни ҳал этишга доир вазифалар белгилаб олинади. Таълим мазмуни, яъни талабалар томонидан ўзлаштириладиган тушунчалар, ноялар, назариялар, кўникма ва малакалар учинчи босқичда ўз ифодасини топади. Маълумки, таълим жараёнининг муваффақиятли якунланиши машғулот шакли, метод ва воситаларнинг энг мақбулини танлашга боғлиқ бўлиб, лойиҳанинг тўртинчи босқичида шу жиҳатга эътибор қаратилади.

Бешинчи босқичда дарс учун ажратилган вақтни тўғри тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланиш аниқлаб олинади. Олтинчи ва еттинчи босқичларда талабаларнинг мавзу кўрасидан топшириқлар ишлаб чиқиш ва топшириқларни бажариш технологияси мукамал ишлаб чиқилади. Сўнги саккизинчи босқич эса яратилган лойиҳанинг таълим жараёнига татбиқ этилиши ва якуний натижа (самарадорлик)ни ўрганиш, яъни педагогик фаолиятни баҳолаш билан якунланади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнига замонавий ёндашув ҳар бир ўқув машғулотининг пухта режалаштирилиши ва уни амалга оширилишини таъминлаш бўлажак педагогларда бошқарувга оид маълумотларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш,



келгуси фаслиятларида таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш қобилиятларига эга бўлишларини кафолатлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5198-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига 1-Илова.
3. 5111800-Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги №484-сон буйруғи.
4. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. –Т.: “VORIS-NASHRIYOT”. 2006. - 263 б.
5. Толипов Ў.К., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. –Т.: «Фан» нашриёти, 2006 й. 261 б.
6. Қодирова Ф.Р., Тошпўлатова Ш.Қ, Каюмова Н.М., Агзамова М.Н. “Мактабгача педагогика” Т.: Тафаккур, Т- 2019. Дарслик.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАЛАБАЛАРНИНГ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ  
МАЗМУНИ.**

НамДУ PhD. З.Қодирова.

*Аннотация: Бугунги кун тарбиячиларининг касбий фаолиятга тайёрлашда бўлажак тарбиячи мутахассис учун олий таълим муассасасида таълим олиш жараёни – педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жихатдан аҳамиятли саналган амалиётнинг узлуksизлиги ва изчиллиги уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва келажакда ўз фаолиятини ташкил этишда уларни самарали қўллаш йўлларини ўрганиш каби хрлатларни ўзида мужассам эттиришини назарда тутади.*

**СОДЕРЖАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ СТАЖИРОВОК СТУДЕНТОВ В ВЫСШИХ  
УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ.**

НамГУ PhD. З.Қодирова.

*Аннотация: Процесс обучения в сегодняшнем вузе будущих педагогов при подготовке педагогов к профессиональной деятельности - преемственность и последовательность профессионально важных практик в успешном осуществлении педагогической деятельности, включая создание их логической структуры и изучение способов и использования их эффективно в будущей деятельности подразумевает.*

**THE CONTENT OF THE ORGANIZATION OF INTERNSHIPS FOR STUDENTS IN  
HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS.**

NamSU PhD. Z. Kodirova.



125	Boshlang'ich sinflarda ingliz tilini o'qitishda, multimedia darsliklarining ta'lim tizimida tutgan o'rni. Valiyeva Sh.A, Garpurov B. ....	597
126	Талабаларда жисмоний тарбияга қадриятли муносабатларини ривожлантиришга хос малака ва кўникмаларни юксак даражада самарали йўлга қўйилиши Назаров А.Т. ....	599
127	Картографическая грамотность - признак географической культуры Абдурахмонов Б.М. ....	603
128	Бўлажак тарбиячиларда касбий компетентликни ривожлантириш омиллари Абдусаматова Н.Ж. ....	609
129	Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш йўллари Аъзамова Б.М. ....	613
130	Nanotexnologiyalar bo'yicha ta'lim olishga talab Borisova V.A. ....	616
131	Методика преподавания категории рода существительного в начальных классах. Дедаханов А.М. ....	623
132	Китоб –маърифат чироғи Муминова Д. А. ....	626
133	Davlat tiliga e'tibor va uning oliy ta'lim texnika yo'nalishlarida o'qitilishi Shermatova D.Y. ....	633
134	"Нутқ нуқсонли болалар диктатининг хусусиятлари" Жўраев М.М. ....	637
135	Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мақсадли бошқаришга замонавий ёндашувлар Махмудова З.Х. ....	642
136	Talaba sportchilarning portlovchi kuchini rivojlantirish usullari Qambarov S.S. ....	647
137	Die bedeutung und dasgebrauch der it beim sprachlernen Matashajeva M. ....	651
138	Шахс ижтимоийлашуви жараёнида жисмоний маданият ва спортнинг ўрнига доир Мадаминов Б.Ш. ....	655
139	Тафаккур жараёни, ақлий ҳаракат усуллари ва танқидий фикрлашга ўргатишнинг ўзаро алоқадорлиги Тажибоева Г.М. ....	659
140	Талабаларда таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга замонавий ёндашув Қорабоева З.Т. ....	664
141	Олий таълим талабаларининг амалиётини ташкил қилиш мазмуни. Кодирова З. ....	669